Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
3 август
ЧОРШАНБА
№ 62 (12906)

www.th.uz

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев олиб борди.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Қайд этилганидек, мазкур комиссия томонидан ички ишлар бошқармаси, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ вилоят бўлими ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни мактаб ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш, тарғибот-ташвиқот ишлари ва маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш бўйича самарали ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, туман ва шаҳарлардаги жамоат жойларида, таълим муассасаларида "Ўқувчи", "Ўқувчи-давомат", "Ўсмир" номли махсус тадбирлар ташкил этилаётгани бу борада ижобий натижалар бераётир.

Жорий йилнинг 6 ойида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи орган ва муассасаларда 28 маротаба текширишлар ўтказилган бўлиб, мутасадди ташкилот ва идораларнинг 18 нафар раҳбарига нисбатан интизомий чоралар кўрилди.

Ушбу йўналишда 416 маротаба тарғибот тадбирлари, давра суҳбатлари ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилингани эътиборлидир.

Йиғилиш якунида тегишли мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида ҳар қандай нохуш ҳолатларнинг олдини олиши ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитларини ўрганиши лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш мақсадида интеллектуал лойиҳалар, маънавий тадбирлар салмоғини ошириш, уларни спорт ва касб-ҳунар тўгаракларига қамраб олиш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.



"Made in Uzbekistan"


БЕРУНИЙ БОБОНИНГ ҚИБРАЙЛИК НАБИРАСИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, ёшлар ва уларнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш масалаларига устувор даражада эътибор қаратила бошланди. Ўз навбатида, ёшлар юртимиз ижтимоий-сиёсий, шунингдек, иқтисодий ҳаётида юксак салоҳиятли кучга айланиб бормоқда.

Қибрай туманидаги "Геофизика" маҳалласида истиқомат қилаётган, Турин политехника университети талабаси Бобур Зокиров яратиб берилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этаётган ташаббускор ёшлардан бири.

Бугун у бошчилик қилаётган "Зиё глобус"корхонаси маҳсулотлари нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон бозорида ҳам ўз харидорини топиб бормоқда. "Goldenote", яъни "Олтин эслатма" номи остида ишлаб чиқарилаётган глобуслар "Made in Uzbekistan" белгиси билан дунёнинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Давоми 2-бетда.



БАЙРАМОЛДИ ТУҲФА

Қуйи Чирчиқ тумани марказида давлат нотариал идораси янги биносининг қад ростлаши аҳолига байрам олдидан муносиб совға бўлди.

Бунёдкорлик

"Турон бунёдкор" инжиниринг компанияси мутахассис ва қурувчилари томонидан 5 ой ичида қуриб, фойдаланишга топширилган янги бинода ходимлар ва ташриф буюрувчилар учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Хоналар қайтадан жиҳозланди, компьютер ва бошқа керакли қурилмалар билан таъминланди.

– Фуқаролар ва юридик ташкилотларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишда қонуний жиҳатдан ёрдам кўрсатиш асосий вазифамиз, – дейди давлат нотариал идораси нотариуси Режавали Сотволдиев. – Идорамизда ишини пухта биладиган, малакали 6 ходим меҳнат қилади. Олдин 3 хонали бинода фаолият кўрсатар эдик. Бу мурожаат этиб келувчилар учун ҳам ноқулайлик туғдирарди. Энди эса янги бинода ишимиз янада осонлашадиган бўлди.

Нозима АРСЛОНОВА, Даврон АҲМАД (сурат), «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари.



Нуқтаи назар

Устоз Пиримқул Қодировнинг темурийлар давридаги адабий тилимиз муаммоларига доир "Тил ва эл" сарлавҳали илмий бадиаси ўз вақтида адабий-илмий жамоатчиликнинг юксак баҳосига сабаб бўлган ва бугун ҳам қизиқиш билан ўқилади.

ТИЛНИ УЛУҒЛАШ – ВАТАННИ УЛУҒЛАШДИР

Бунинг боиси, китоб – тилимиз ҳақида. Бу энди менинг шахсий фикрим: ҳар қандай мажруҳ иқтисодни тадбиркорлик билан соғломлаштирса бўлади, давр, замон талаб этса, сиёсат ҳам ўзгаради. Бузилган, емирилган иморатни қайта тиклашнинг иложи бор. Аммо бузилган, бошқа тиллар таъсирида қоришиқ бир аҳволга келган тилни ўнглаш ўта мураккаб масала. Тилни фақат тил нуқтаи назаридан эмас, тарих, миллий қадриятлар, урф-одатлар, улуғ аждодларимизнинг бебаҳо мероси, васияти нуқтаи назаридан туриб ҳам, булардан асло ажратмаган ҳолда ўрганишимиз, сақлашимиз, бойитишимиз ва авлодларга бутун жозибаси, куч-қудрати билан етказишимиз лозим. Шу маънода "Тил ва эл"ни ўқиб, ўзим учун англаганларим, ён дафтаримга алоҳида ёзиб қўйганларим қуйидагилар бўлди.

Тилга эътибор, тил ҳақида қайғуриш, уни эъзозлаш – чинакам ватанпарварлик. Француз олими М. Беллин 1861 йилда ёзган китобида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг она тилига катта эътиборини шундай баҳолаган экан: "Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалиятларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исбот этганлиги – ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганидан далолатдир".

XVI асрда Дю Белле деган шоир бошчилигида бир гуруҳ олим ва ёзувчилар "Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуғлаш" номли манифест қабул қиладилар. Унда "Она тилини ҳимоя қилиш – Ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир", деган фикр олдинга сурилади.

Давоми 4-бетда.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан

БОҒБОНЛАР ОРЗУ ҚИЛГАН БОҒЛАР

– Боққа келишдан аввал янги объектни кўргани бормадик-да? – деди Музаффар ака отасига. Бу пайт Абдусалом бобо фермер ўғлининг сўзларини эшитмас, ўз хаёллари билан банд эди.

...Кўчат ортилган "Уазик" ишчилар ёнига келиб тўхтади. Улов эшиги шарақлаб очилиб, Абдусалом раис тушди.

– Қишки "Голден" нави деб беришди, лекин кўчат эртапишар баҳори олмага ўхшаяпти, – деди раис машина юкхонасига ишора қилиб. – Раҳбарларга тушунтиришга ҳаракат қилдим – бўлмади, кўпнинг олдида дакки эшитганим қолди.

Боғ тўртинчи йили нишона ҳосилини кўрсатди. Ёзнинг дастлабки ойидаёқ мевага таъм кириб, тарам-тарам атлас тусини олди: кутилганидек баҳори олма!

Орадан тўрт йил ўтиб, райондагилар Абдусалом раисга англашилмовчилик бўлгани ва боғни қайта ташкил қилиш лозимлиги ҳақида топшириқ борлигини айтишди... Инсоннинг қўли гул, яна ҳеч қанча вақт ўтмай ҳосилга кирган боғ ўрнида бошқа ниҳоллар бўй кўрсатди...

Абдусалом бобо ҳар сафар қишлоқ адоғидаги лалми майдонда ташкил этилган томчилатиб суғориладиган интенсив боғни айланар экан, кўп йиллар аввал ўзи билан кечган ана шу воқеа кўз ўнгида гавдаланаверади.

– Гуркираб ўсаётган дарахтларни нобуд қилиш, ўзинг меҳр берган боққа бошқалар эга чиқишини кўришдан оғири йўқ, – дейди Абдусалом бобо ҳосилнинг зўридан эгилиб турган олма шохларини симбўғизга илдирар экан. – Ўғлим, мен сенга, сендаги имкониятларга, йилдан-йилга ривожланиб бораётган хўжалигингга ҳавас қиламан...

Президентимиз раҳнамолигида мустақилликнинг дастлабки кунларидан аграр соҳани тубдан ислоҳ қилиш, қишлоқ хўжалигини самарали тармоққа айлантириш стратегияси аниқ-равшан белгилаб олинди. Ерни ҳақиқий эгаси – деҳқонга топшириш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этишга алоҳида аҳамият қаратилди. Бунинг самарасида қишлоқ хўжалиги, хусусан, боғдорчилик йўналишида салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ўтган йиллар давомида пахта майдонлари қисқартирилиб, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган майдонлар кенгайтирилди. Натижада, қарийб 100 минг гектарда мевали боғ ва токзорлар барпо этилди. Кейинги уч йилда 22 минг гектардан зиёд майдонда илмий асосланган интенсив боғ ташкил қилинди.

Мустақиллик арафасида – 1990 йилда юртимизда 660,4 минг тонна мева, 744,7 минг тонна узум ҳосили олинган бўлса, ўтган йили 2 миллион 731 минг тонна мева, 1 миллион 556 минг тонна узум етиштирилганининг ўзиёқ амалга оширилаётган ислоҳотлар нечоғлик юксак самаралар бераётганини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти бўйича дунёда етакчи давлатлардан бирига айланди. Бугун мамлакатимиз ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича жаҳондаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Халқимиз эҳтиёжидан ортиқча 180 турдан зиёд мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотлар АҚШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Мўғулистон, Саудия Арабистони, Россия, Словакия сингари 80 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Тармоқда эришилган бундай ютуқлар замирида академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳам муносиб ўрни бор. Институт олимлари томонидан мева-узумнинг янги, ноёб, совуққа, қурғоқчиликка чидамли, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос серҳосил янги навлари яратилмоқда. Хусусан, 2000-2015 йилларда мева-узумнинг 32 нави Давлат нав синаш комиссиясига топширилиб, унинг 23 нави давлат реестрига киритилди. Кейинги 15 йилда олманинг 9, нокнинг 2, шафтоли, гилос, узум, қулупнай, лимон, апельсин ва мандариннинг 1 тадан, олтинсимон қорағатнинг 4 нави давлат реестрига киритилди. Истиқболли мева дурагайлари ҳамда навлари коллекция майдонларида олманинг янги 32 дурагайи ва 44 нави, нокнинг 32, ўрикнинг 15, шафтолининг 30, йирик мевали олчанинг 17, олхўрининг 12, гилоснинг 15, резаворлардан қулупнайнинг 58, қорағатнинг 45, цитрус ўсимликларнинг 15 нави ўрганилмоқда.

Давоми 3-бетда.

Дориламон кунларда илкаш гурунглар

Кўрсангиз, ҳавасингиз келади

– Тўрт йил аввал қишлоғимизда янги Болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлади. Ота-онам укам иккимизни шу даргоҳга ўқишга беришди.

Бу ердаги шарт-шароитлар мен тасаввур қилгандан ҳам ажойиб экан. Кўрсангиз, ҳавасингиз келади. Қизиқишим ортиб, машғулотларга киришиб кетдим. Қисқа муддатда фортепьяно билан бемалол "тиллаша" оладиган бўлдим. Италия, Франция ҳамда МДҲ мамлакатлари ёш мусиқачилари ўртасидаги халқаро танловларда ғолиб бўлиб қайтдим.

Чет элда бўлиб, тенгдошларим билан суҳбатлашиб, олган илк хулосам шуки, Ўзбекистондек фарзандларига ғамхўр ва эътиборли юртда яшаш катта бахт экан.

Шоҳруҳ БАХТИЁРОВ,
Қибрай туманидаги 2-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси.

Дунё билан бўйлашаяпмиз

– Ҳамкишлоғимиз Дилбархон ажойибда. Ҳар кўришганимизда хорижда ўқиётган ўғли жўнатган совға-саломларни оғиз тўлдириб мақтайди.

Яқинда қизиқ бўлибди. Ўғли юборган кийимкечаклар орасида бирининг ёрлиғига "Made in Uzbekistan" деб ёзилган экан. Бунисиям майли, у ўзимизнинг Тўйтепадаги "Textile mill Tashkent" деган корхонамизда тикилган экан. "Хорижда ҳам бизнинг маҳсулотлар бор экан-да", дейди суҳбатдошим ҳайратга тўлиб.

Асли бунинг ҳеч бир ажабланарли ери йўқ. Дунё билан бўйлашиб, қадам-бақадам одимлаётганимизга ҳадемай йигирма беш йил тўлади!

Хайринисо МИРЗАЖОНОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Ҳайрат манзили

– Оддий ҳунармандман. Икки-уч йил бўлди – чоққина тикувчилик корхонамизни очганмиз. Маҳсулотимиз ички бозорда харидоргир. Эндиги мақсадимиз уларни экспортга чиқариш.

Шу ниятда хорижлик ҳамкасблар билан "салом-алик" қилиб туришга тўғри келади. Биласизми, улар бизга жуда ҳавас қилишади. Ҳатто, давлатимиз тадбиркорга бериб қўйган айрим имтиёз ва қулайликларни тасаввур ҳам қилишолмайди. Масалан, ҳунарманд бўлганим учун солиқ тўламайман, десам, ҳайрон қолишади. Яқинда корхонамни кенгайтириш учун давлат тасарруфидаги каттакон бир бинони теп-текинга беришди, десам ишонмай, яна елка қисишади. "Нима учун, қандай қилиб?" деб сўрашгани сўрашган.

Тадбиркорни қўллаган, халқи фаровонлигини ўйлаган давлатимиздан ўргилай! Унинг эртанги истиқболи учун жону жаҳонимни бериб хизмат қилсам кам.

Ўғилжон МИРЗАМУРОДОВА,
Бекобод шаҳридаги "Зулфиябону чевар" хусусий корхонаси раҳбари.

ҚУЁШ ПСКОМДАН НУР СОЧАДИ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз сари яқинлаштирмоқда. Вилоятимизнинг турли бурчакларида ўтказилаётган байрамолди тадбирлар, учрашувлар эса дилларни янада нурафшон этиб, барчага хуш кайфият улашмоқда. Ана шундай тадбирлардан яна бири Бўстонлиқ туманида ташкил этилди.

❑ Шукуҳ

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят ҳудудий филиали, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган ушбу тадбирда тиббиёт ходимлари, кенг жамоатчилик вакиллари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақиллик, энг аввало, ўзликни англаш, урф-одат ва қадриятларимиз, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятларни туҳфа этди. Ўтган йиллар мобайнида аҳолининг турмуш даражаси яхшиланди, ҳаётга муносабати тубдан ўзгариб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси ортди.

Тадбир давомида вилоятимизнинг энг чекка тоғли ҳудудлари – "Такаёнғоқ", "Тепар" ва "Пском" маҳаллалари аҳолиси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди тиббий-ижтимоий ёрдам бригадаси шифокорлари томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.





Санъаткорларнинг чиқишлари, шоирларнинг Ватан мадҳига йўғрилган шеърлари байрамга янада файз бағишлади.

Тадбирда вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев иштирок этди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

❑ Интилиш

Қуйи чирчиқлик Раъно Ғаниева асли ўқитувчи. Аммо, уни кўпчилик ишбилармон аёл сифатида танийди.

ТАДБИРКОР АЁЛ ТАШАББУСИ

Бу бежиз эмас. Бир неча йилдирки, тадбиркор аёл ҳамқишлоқларига намунали савдо ва маиший хизматларни тақдим этиб келмоқда. Айни пайтда унинг раҳбарлигидаги "Дўстобод бизнес савдо" масъулияти чекланган жамияти қошида озиқ-овқат дўкони, чевархона, коммунал тўловларни қабул қилиш шахобчаси, эркаклар ва аёллар сартарошхоналари ишлаб турибди.

Тадбиркор шу кунларда ўзи истиқомат қилаётган "Пахтазор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида нон ва нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган цех фаолиятини йўлга қўйиш ҳаракатида.

Шукур МУРОДОВ.



Хабарлар, янгиликлар, таҳлилий мақолалар билан газетамизнинг интернет манзили

th.uz

сайтида ҳам танишишингиз мумкин.

БЕРУНИЙ БОБОНИНГ ҚИБРАЙЛИК НАБИРАСИ

– Болалигимдан тадбиркорлик билан шуғулланишни орзу қилардим, – дейди Бобур Зокиров. – Аниқ фанларга қизиқишим баланд эди. Шунинг учун ҳам мени Хоразмий, Беруний, Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари улуғ бобокалонларимизнинг илмий мероси ҳайратлантириб келар ва улар сингари кашфиётлар яратишни ният қилар эдим. Бу мени Тошкент ахборот-технологиялари касб-ҳунар коллежига етаклади. Математика, физика, инглиз тили фанлари билан жиддий шуғуллана бошладим. Устозларим кўмагида янгиликлар яратиш устида изланишлар олиб бордим. Коллежнинг 3-босқичида таҳсил олаётганимда менда ер шари глобусини ишлаб чиқариш ғояси пайдо бўлди. Чунки, шу пайтгача сиёсий-маъмурий, табиий-географик глобуслар нафақат юртимиз, балки қўшни давлатларга ҳам хориждан келтирилар эди.

Бошланиши 1-бетда.

Ишбилармон йигит ниятига ўз-ўзидан эришгани йўқ. Изланди, ўқиди, ўрганди, меҳнат қилди, ижодий салоҳиятини ишга солди. Шу тариқа у 2012 йилда "Зиё глобус" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги корхона фаолиятини йўлга қўйди. Дастлаб 3 нафар оила аъзолари меҳнат қилган ушбу корхона шу йилнинг ўзида "Ekstremum Press" компаниясига шартнома асосида 1000 дона глобус етказиб берди. Айни кунларда 20 нафар ёшлар меҳнат қилаётган жамоа саъй-ҳаракати билан таълим муассасалари учун 10 хил турдаги глобус ҳамда 20 турдан ортиқ ўқув-услубий анжомлар ишлаб чиқарилмоқда. Шуниси эътиборга лойиқки, глобуслар 3 тилда – ўзбек, рус ва инглиз тилларида тайёрланмоқда ва ўз харидорларини топиб бормоқда.

Бобурнинг айтишича, бугунги кунда глобус ишлаб чиқариш жаҳоннинг саноқли мамлакатларидагина йўлга қўйилган. "Зиё глобус" Марказий Осиёда глобус ишлаб чиқарувчи ягона корхона бўлиб, Италия, Германия, Россия, Хитой мамлакатларидаги шу турдаги маҳсулот тайёрлаётган корхона ва фирмалар билан тенгматенг беллашмоқда.

Юртимизда яратиб берилган бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватан тараққиёти ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ташаббускор йигитнинг интилишлари доимий эътиборда бўлиб, муносиб рағбатлантириб борилмоқда.

Хусусан, корхона фаолияти илк маротаба "Ташаббус – 2014" кўрик-танловининг вилоят босқичида "Энг яхши оилавий бизнес", республика босқичида эса "Ёш фахрий қатнашчи" номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди. Айниқса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" кўрик-танловида ғолиб деб топилиб, "Микрокредитбанк"дан 35 миллион сўм имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлгани ўз фаолиятини янада кенг йўлга қўйишда катта мадад бўлди. 2015 йил ҳам ёш тадбиркор учун омадли келди. У "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг республика босқичида энг яхши экспортбоп маҳсулот тайёрловчи тадбиркор сифатида "Менинг юртим маҳсулоти – жаҳон бозорида" номинацияси ғолиби бўлди.

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан ёшлар учун таъсис этилган "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирланганимда ҳаяжондан кўзларимдан севинч ёшлари оқди, – дейди Бобур. – Беихтиёр мана шундай Ватанда туғилганимдан, биз, ёшлар шахсан Юртбошимизнинг ғамхўрлигида бўлганлигимиздан севиниб кетдим. Бундай юксак эътибор ва ишонч мени янада катта марралар сари етаклайди ва янги изланишларимда куч-қувват бағишлайди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

❑ Давра суҳбати

"Дўрмон" маданият саройида "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригида белгилаб берилган устувор вазифалар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

СЎЗ АЙТМОҚ – САОДАТ

Вилоят ҳокимлиги, матбуот ва ахборот бошқармаси, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мулоқотда мутасадди ташкилот вакиллари, вилоятда фаолият юритаётган газета ва журналлар бош муҳаррирлари ҳамда журналистлар иштирок этишди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик тамойиллар ва миллий қадриятларнинг мустаҳкам қарор топиши, жамоатчилик фикрининг шаклланиши, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқ онгига етказишда матбуотнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шу боис Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотимизни ривожлантириш, унинг эркин, мустақил ва холис фаолият юритиши учун қулай шароит ва кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Президентимизнинг, биз, журналистларга йўллаган табригини катта қизиқиш билан ўқидим, – дейди "Қибрай садоси" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи Гулнора Аҳмедова. – Албатта, бу бизларга чексиз фахр ва ифтихор, куч-қувват бағишлаши билан бирга, зиммамизга улкан масъулият ҳам юклади. Фаолиятимизга яна бир бор танқидий назар ташлаб, олдимизда турган долзарб вазифаларни белгилаб олдик.

Давра суҳбатида, шунингдек, биринчи ярим йилликда вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида чоп этилган танқидий мақолалар таҳлил қилинди. Жамиятда маънавий-ахлоқий қадриятларни юксалтириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатлараро тотувликни таъминлашда Қибрай тумани ҳокимлиги муассислигидаги "Қибрай садоси" газетаси фаоллигини янада ошириш юзасидан муассис амалга оширган ишлар ва келгуси режалар хусусида фикр юритилди.

Тадбир якунида вилоятимизнинг бир гуруҳ фаол журналистларига Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши ва вилоят бокс федерациясининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЮРТГА МАДАДКОРЛИК БАХТИ

Ёшлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шу сабабдан мамлакатимизда уларнинг билим олишлари, ўз имкониятларини юзага чиқаришлари учун барча шароитлар яратилмоқда. Мазкур жараёнда, айниқса, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан амалга оширилаётган турли танлов ва ижтимоий лойиҳаларнинг салмоғи катта.

❑ Танлов

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни ишбилармонлик фаолиятига кенг жалб этиш, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш, қишлоқ ва чекка ҳудудлардаги ёшларни иш билан таъминлаш, шунингдек, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ва қишлоқ инфраструктурасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 18 дан 30 ёшгача бўлганлар ўртасида ўтказиб келинаётган "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" танлови шулар жумласидандир.



"Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, вилоят "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамда тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган уч босқичдан иборат танловнинг биринчи босқичи вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида 2016 йилнинг 1 апрелидан 1 июлига қадар бўлиб ўтди. Унда 280 нафардан зиёд ёш тадбиркорлар ўз бизнес режалари билан иштирок этдилар. Ташкилий-ишчи гуруҳ аъзолари томонидан ҳар бир ҳудуддан 10 нафар бизнес режа муаллифларига лойиҳанинг иккинчи босқичига йўлланма берилди.

Танловнинг иккинчи босқичи яқинда Қибрай туманидаги Чингелди маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ўтказилди. Унда иштирокчилар учун малакали мутахассислар томонидан 3 кунлик махсус семинар-тренинглар ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳ томонидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари кўриб чиқилиб, уларнинг 10 нафари танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди. 33 нафар қатнашчининг бизнес лойиҳаси эса банклар томонидан молиялаштирилишга тавсия этилди.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ФОРУМИ

Ўрта Чирчиқ туманида "Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалишдир!" шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди.

❑ Сурур

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли адиблар, олимлар, рассомлар, ҳунармандлар, партия фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда истеъдод ва салоҳиятини кенг намоён этиши учун замонавий шароит яратиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан экани алоҳида таъкидланди.

– Форум доирасида ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, замонавий корхоналар фаолияти билан танишдик, тарихий қадамжоларни зиёрат қилдик, – дейди Ангрен шаҳар Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Абдураҳим Ўролов. – У ерда олган таассуротларимиз, шаҳар ва қишлоқларимиздаги ўзгаришлардан илҳомланиб "Ватанимга дил изҳорим" номли тасвирий санъат асарини яратдик. Бошқа гуруҳдаги тенгдошларимиз ўзларининг шеърият, ҳунармандлик, ошпазлик бўйича маҳоратини намойиш қилди.

Иқтидорли ёшларнинг халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандлик бўйича ижодий кўргазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Таниқли санъаткорлар ижросидаги концерт тадбирга ўзгача файз бағишлади.

ЎзА.

БОҒБОНЛАР ОРЗУ ҚИЛГАН БОҒЛАР

– Президентимиз раҳнамолигида янги истиқболли навларни яратиш, жаҳон тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Йўлдош Саимназаров. – Муассаса моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, олимларимизнинг эркин ва самарали тадқиқот олиб бориши учун зарур шароитлар яратилди. Ўтган асрнинг 90-йилларигача ҳам селекционерларимиз томонидан қанчадан-қанча навлар устида изланишлар амалга оширилган. Лекин уларнинг аксарияти охирига етказилмай қолиб кетган. Бошқача айтганда, бутун-бутун умрлар сарф бўлган баъзи изланишлар эътиборсизлик оқибатида ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Истиқлол шарофати билан ўша ишлар бугун давом эттирилиб, Давлат нав синаш комиссиясига топширилмоқда. Энг мақбул деб топилганлари давлат реестрига киритилмоқда.

Институт жамоаси хорижда ўтказилаётган соҳага доир халқаро кўргазма ва семинарларда фаол иштирок этиб келмоқда. Яқинда Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси бу борада янада кенг имкониятлар яратди. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидан келган халқаро савдо ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари вакилларига институт фаолияти, юртимиз боғларида етиштирилаётган мевалар нави, агротехникаси ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– Селекционер олим ва мутахассисларимиз мавжуд боғ-токзорларни таҳлил қилган ҳолда юртимиз

Бошланиши 1-бетда.

тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудга мос янги навлар яратмоқда, – дейди институтнинг мева-резавор экинлари селекцияси ва уни ўрганиш бўлими бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Равшан Абдуллаев. – Бунда маҳаллий ва чет эл навлари таҳлил қилиниб, улар орасидан истиқболли янги навлар саралаб олинмоқда. Янги навлар ичида қурғоқчиликка чидамлилари алоҳида ўрин тутади. Буларга олманинг "Гўзал", "Қизил тарам олма", "Чўлпон", "Ойдин", "Нафис" навлари, нокнинг "Кулола-2", беҳининг "Изобильная", "Самаркандская крупноплодная", "Мушк беҳи", олхўрининг "Чернослив Самаркандский," гилоснинг "Клон Эльтона", ўрикнинг "Бобо Ражаби", шафтолининг "Шарқ", қорағатнинг "Сиюма", "Руҳшона", "Ирода", узумнинг "Ризамат", "Кишмиш Ботир", "Ранний Шредера", "Хусайне мускатный" ва "Кишмиш Малика" навлари, айниқса, миришкорларимиз томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Институт олимлари 2015 йилда районлаштирилган лимоннинг "Мейер", апельсиннинг "Гамлин", мандариннинг "Клементин" навларини яратиб, давлат реестрига киритди. Илгари иссиқхонада ўстириладиган цитрус ўсимликларнинг ҳудудларга мослашган навлари йўқ эди. Институтда ҳозир кўчатлар сонини кўпайтириш, тажрибани давом эттириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Бу юртимизда етиштирилаётган цитрус мевалар салмоғининг янада ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳудудида замонавий интенсив боғларни энг мақбул экиш схемаси ва усулини танлаш бўйича алоҳида изланишлар олиб борилди. Интенсив боғлар барпо этиш учун хориждан уруғли мевалиларнинг пакана ва ярим пакана пайвандтаглари келтирилиб, улар устида илмий-тадқиқот ишлари ўтказилмоқда. Бу ҳақда сўз борар экан, 2008 йилда Россиянинг Сибирь боғдорчилик илмий-тадқиқот институтидан қорағат (смородина), малина, чаканда, калина, қулупнай навлари кўчати ҳамда олманинг 5 ва нокнинг 6 нави қаламчалари келтирилиб, тажриба олиб борилаётгани айтиб ўтиш жоиз. 2011 йилда Украинадан уруғли мевалиларнинг пакана ва ярим пакана пайвандтагларидан 400 минг дона келтирилди. Улар институт филиаллари ва тажриба хўжаликларига тарқатилди.

Мева етиштиришни кўпайтириш мақсадида институт илмий-тажриба участкасида Хитой тажрибасини қўллаш мақсадида иситиш тармоқларисиз 5 кичик иссиқхона ташкил этилди. Уларда пакана пайвандтагда ўсувчи шафтоли, лимон, гилос ва ток кўчатлари экилиб, юқори ҳосил олиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Институт мутахассислари турли касаллик ва зараркунандаларга қарши курашиш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришмоқда. Бунда авваллари кенг қўлланилган кимёвий препаратлардан имкон қадар камхарж, рационал, самарали қарши курашиш схемалари ишлаб чиқиш устида изланишлар олиб борилаётир. Юқори ва сифатли маҳсулот олиш учун касаллик ва зараркунандаларга қарши уйғунлашган ҳамда биологик кураш чоралари ишлаб чиқилди.



Муассаса олимлари томонидан боғ ва токзорларда амалга ошириладиган ресурстежамкор замонавий агротехнологиялар бўйича "Республикамиз вилоятлари шароитида боғ ва токзорлардан мўл ҳосил олишда амалга ошириладиган агротехник тадбирлар", "Мева-узум навлари каталоги", "Интенсив боғ ва токзорларда ҳосилдорликни ошириш", "Мевали боғ қатор ораларида сабзавот, полиз ва картошка экинларини етиштириш", "Цитрус ўсимликларини иссиқхоналарда етиштириш технологияси" мавзуларида тавсифномалар ишлаб чиқилиб, фермер ва деҳқон хўжаликларига юборилмоқда.

Бугунги кунда юртимиз боғларида экилган олманинг 61 фоиздан кўпроғи, нокнинг 49, токнинг 43, қулупнайнинг 90, беҳининг 65, шафтолининг 60, қорағатнинг 90 фоизини институт тавсия қилган янги навлар ташкил қилади. Жорий йилда институт ва унинг тизимидаги илмий-тажриба станцияси, экспериментал хўжаликларида етиштирилган 1 минг 100 дан ортиқ пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари, 1 минг 600 га яқин ток кўчатларига фермер хўжаликлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилди.

– Боғдорчиликка қизиқиш бизга ота мерос, – дейди чинозлик фермер Нодира Исломова. – Мана шу қизиқиш, Президентимиз раҳнамолигида соҳа ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор бизни ҳам интенсив боғ ташкил қилишга ундади. Бу турдаги боғдорчиликка бундан анча аввал қизиқиб, уни барпо этишнинг ўзига хос технологияси, ҳосилдорлиги, истиқболи хусусида маълумотларни таҳлил қилиб кўрган эдим. Ўша пайтлар ҳали юртимизда бу соҳа янгилик эди. Табиий шароитимизга мос кўчатлар етиштириш ҳолати бугунгидай ривожланмаганди. Кўчатларни четдан келтириш катта маблағ талаб қилар эди. Жорий йил орзуимиз ушалди. Баҳорда 4 гектардан ортиқ майдонда интенсив олма боғи ташкил қилдик. Бунда бизга академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ҳар томонлама кўмак берди. Дастлаб институт мутахассислари келиб ҳудудни ўрганди. Иқлими, тупроғини ўрганди, қандай касалликларга чидамли нав танлаш лозимлиги, экиш схемаси ҳақида аниқ тавсиялар ишлаб чиқди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Экилган икки минг туп кўчатнинг ҳаммаси баравж кўкариб кетди. Бизни қувонтиргани, кўчатларнинг юзга яқини шу йилнинг ўзидаёқ нишона ҳосилини кўрсатди. Яқинда институт мутахассислари боғни кўздан кечириб, дарахтларни баргидан озиқлантириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Бугунги кунда академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида аграр йўналишдаги олий таълим муассасаларининг иқтидорли битирувчиларини институтга жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Хусусан, 25 нафар битирувчи муассасага танлов асосида ишга қабул қилинди ва "устоз-шогирд" анъанаси асосида мутахассисларга бириктирилди.

– ...Олмани йиғиб-теришни сентябрнинг нечанчисидан бошлаймиз? – деб сўради Музаффар ака отасидан.

Бу савол Абдусалом бобога яна ўтган йилларни эслатиб юборди.

– Илгари ҳосилни йиғиб-териб олишга, ҳатто, қор ёғса ҳам "тепа"дан топшириқ бўлмагунча киришилмас эди, – деди қандайдир маъюс оҳангда отахон.

Бу "ҳикоя"ни бир неча бор такрор эшитган фермер, "биламан, биламан" деганча отасининг тирсагидан тутиб, "Нексия" томон бошлади. Ўғилнинг кўнглида отасига фермер хўжалиги қошида иш бошлаган янги объект – мева сақлашга хизмат қиладиган музлаткични кўрсатиш иштиёқи ёнар эди.

Икром АВВАЛБОЕВ,
ЎзА мухбири.

ЁЗ ҚУВОНЧЛАРИ ТАШВИШГА АЙЛАНМАСИН

Чўмилиш кишида ғайрат ва рағбат уйғотади. Шу сабабли ёзнинг иссиғида нафақат ёшлар, балки катталар ҳам оммавий чўмилиш масканлари ва сузиш ҳавзаларига ошиқадилар.

❑ Мутахассис тавсияси

Чўмилиш жараёнида доимо ҳушёр бўлиш аянчли ҳолатларнинг олдини олади. Фуқароларнинг пляжларда хавфсиз дам олишларини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси акваторияларининг пляж зоналарида дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Мазкур қарор билан "Ўзбекистон Республикаси акваторияларида пляжларни жиҳозлаш ва улардан фойдаланиш, шунингдек, фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш тартиби тўғрисида" низом тасдиқланди. Натижада, чўмилиш масканларини жиҳозлаш, фуқароларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари янада такомиллашди.

Келинг, айни дамда оммавий чўмилиш масканларида эътибор бериш зарур бўлган асосий жиҳатларга тўхталиб ўтайлик.

Аввало, болалар ёки биринчи марта сувга тушган катта ёшдагиларни сузишга ўргатиш жойининг чуқурлиги 60-90 сантиметргача бўлиши керак. Бундай чуқурликда одам сувдан чўчимайди, чунки оёғи ерга тегиб туради. Очиқ сув ҳавзаларида сузишни ўрганишда, албатта, сувнинг чуқурлиги билан бирга, оқимнинг тезлигини ҳам эътиборга олиш лозим. Оқим тезлиги дақиқасига 10 метрдан ошмаслиги зарур.

Ёз ойларида фарзандларни сузишга ўргатиш вақтини тўғри танлаш керак. Айрим ота-оналар куннинг иссиқ пайтидагина сузишга ўргатишга ёки чўмилишга рухсат беришади. Аслида эрталаб соат 10 дан 12 гача ва кечқурун соат 17 дан 19 гача қуёшнинг ультрабинафша нурлари кўп бўлади ва шу соатларда чўмилиш жуда фойдали. Чўмилиш муддати 5 дақиқадан 25-30 дақиқагача давом этиши мумкин, унда боланинг ёши, сузишга тайёрлиги, сувнинг ҳароратига эътибор бериб, сузиш муддати аста-секин ошириб борилади. Ёз ойлари катта ёшдаги болалар сув ҳарорати +18°, кичик ёшдагилар эса +20°дан кам бўлмаганда очиқ сув ҳавзаларида чўмилишлари мумкин. Сувнинг ҳарорати бундан паст бўлса, чўмилмаслик керак.

Таъкидлаш жоизки, айни ёз мавсумида чўкиш билан боғлиқ ачинарли ҳодисалар учраб туради. Бундай фожиага, асосан, ота-оналар ва катталар назоратни бўшаштиришгани, маҳалла, мактаб, коллеж, академик лицей ва бошқа муассасалар ходимларининг ёшлар орасида тушунтириш ишларини изчил олиб боришмаётгани, шунингдек, болаларнинг сузишни билмасликлари сабаб бўлади. Шу боис, эслатиб ўтамизки, фақат қутқарув хизмати бор жойлардагина чўмилишга рухсат этилади. Чўмилиш жойини чеклайдиган, кўпириб оқаётган сувга шўнғиш мумкин эмас.

Айримлар сув ҳавзаларига маст ҳолда келишади. Маълумки, спиртли ичимлик истеъмол қилган одам танасини бошқара олмай қолади. Бундай ҳолатда чўмилишнинг оқибати эса кўпинча фожиали якун топади.

Экспертиза хулосалари ва таҳлилларга қарағанда, сувда чўкиш каби бахтсизлик юз беришига сабаб, аввало, тақиқланган жойларда чўмилиш, сузишни билмаслик ёки мастликдир.

Юқорида таъкидланганидек, чўмилиш пайтида ҳушёр бўлиш хавфсизлик гаровидир. Шундай экан, чўмилиш ҳавзалари учун белгиланган қоидаларга амал қилиш ҳамда фарзандларимизнинг тақиқланган жойларда чўмилмасликларини назорат қилиш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш биз, катталарнинг бурчимиздир.

Камолиддин РАҲИМОВ,
Ўзбекистон ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

❑ 101 огоҳлантиради

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирди. Жойларда энг улуғ, энг азиз байрамимизни юқори савияда, хавф-хатарсиз ва беталафот ўтказиш ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

ХАВФЛИ БЕПАРВОЛИК

Вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ёнғин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида кенг қўламдаги ташкилий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жорий йилнинг июнь ойида вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 40 минг 646 тадан ортиқ хонадон, 3 минг 147 та кўп қаватли уйлардаги 89 минг 771 та квартиранинг ёнғин хавфсизлиги ҳолати текширилиб, уй соҳиблари билан шу мавзуда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари ўтказилди.

Шунингдек, вилоятимиз ҳудудидаги 17 минг 33 та корхонадан 3 минг 103 тасининг хавфсизлик ҳолати ўрганилди. Ўтказилган текширувлар жараёнида корхона ва ташкилотларнинг 3 мингдан ортиқ ёнғин чиқиш ҳолатида бўлган бино, алоҳида хоналарнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган 3 минг 754 нафар мансабдор шахс ва ходимларга нисбатан 336 млн. 170 минг сўмдан ортиқ жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузган 4 минг 342 фуқаро ва раҳбар ҳамда ёнғин хавфсизлигига масъул ходимларга нисбатан маъмурий баённомалар тузилиб, қонун доирасида 351 млн. 710 минг 166 сўм жарима солинди.

Таъкидлаш лозимки, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан жорий йилнинг 6 ойи мобайнида вилоятимизда 653 та ёнғин содир бўлди. Уларнинг 383 таси аҳоли тураржойларида содир бўлиб, натижада 29 фуқаро тан жароҳатлари олди ва айрим нохуш ҳолатлар ҳам рўй берди. Ҳозирги кунда ёнғинлар туфайли етказилган моддий зарар миқдори 1 млрд. 711 млн. 376 минг сўмдан ортиқни ташкил этмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг 102 таси печь ва газ қурилмаларининг бузилиши, 300 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 71 таси болаларнинг қаровсиз қолдирилиши ҳамда 48 таси бошқа сабаблар оқибатида содир бўлган.

Суннатилла СУЛТОНОВ,
вилоят ИИБ ЁХБ ЁОО ва ЁНТЭБ бош мутахассиси.

КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

бугуннинг долзарб вазифасидир

Замон ривожланишига мос равишда инсониятнинг талаб ва эҳтиёжи ҳам ошмоқда. Шу қаторда аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжи туфайли бу неъматнинг муттасиллигини таъминлаш мазкур соҳа мутасадди ва мутахассислари зиммасига катта масъулият юклаяпти.

"Қибрайтумангаз" филиали кейинги йилларда истеъмолчиларнинг табиий газга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, хизматлар сифатини ошириб бормоқда. Туманимизда бугунга келиб, табиий газдан фойдаланувчилар 44 мингдан ошди. Улгуржи истеъмолчилар эса 685 тани ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йиллар ҳисобига қараганда бирмунча салмоқлидир. Шу билан биргаликда бу соҳа ходимларининг хизмат сифатини оширишни ва кўлами кенгайишини тақозо этади. Жумладан, 2016 йил аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида Чинобод қишлоғининг "Бўстон" маҳалласига 900 метр узунликдаги газ қувурлари тортилиб, 789 та хонадоннинг газ таъминоти яхшиланди. Шунингдек, Ёнариқ ҳамда Ўнқўрғон қишлоғининг айрим жойларида баъзи бир сабабларга кўра вақтинчалик газ таъминотида узилиш пайдо бўлган эди. Бу ерда 4,8 км. бўлган газ қувури қайта тикланиб, ҳудуддаги 4200 та хонадонда яна "зангори олов" ёна бошлади.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш мақсадида Оқ-қовоқ қишлоғидаги "Оқ-олтин" ва "Узумзор" маҳаллаларининг айрим газ етиб бориши оқсаётган ҳудудлари қайта ўрганилди. Зарур хулосалардан келиб чиқиб, шу йил узунлиги 1,8 км., диаметри 57 миллиметрли газ қувурини 159 миллиметрлисига алмаштириш режалаштирилди.

Туманда янги барпо этилаётган маҳаллаларни табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу кунгача Ёнариқ қишлоғи, Ойбулоқ кўчасидаги 60 та янги хонадонга газ қувурлари ўтказилиб, айни кунда аҳоли "зангори олов" хизматидан фойдалана бошлади. "Обод" маҳалласига 1 км. газ қувури тортилди. Айни шу жойда 80 та хонадонни газлаштириш ишлари жадал бормоқда.

Кези келганда ҳамюртларимизга шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҳар бир нарсанинг чегараси ва қадр-қиммати бўлгандек, она табиат бизга инъом этаётган табиий бойликларнинг ҳам сарҳисоби бор. Шундай экан, табиий газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланмаслик газ тармоқларининг зўриқиб ишлашини вужудга келтиради. Бунинг оқибатида эса авария ҳолатлари эҳтимоли кучаяди.

Улуғбек ЗУҲУРОВ,
"Қибрайтумангаз" филиали директори.

Реклама ва эълонлар

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Такрорий аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туманлараро судининг 04.04.2016 йилдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 648 776 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ ҳудудидаги 3,00 га ер майдонида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 519,82 кв.м., қурилиш ости майдони 942,52 кв.м.дан иборат бўлган "Ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари" ҳамда бошланғич нархи – 340 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 215,72 кв.м., қурилиш ости майдони 331,02 кв.м.дан иборат бўлган "тураржой (ҳовли)" қўйилмоқда. Такрорий аукцион савдолари 2016 йилнинг 23 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия № 0039.

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: I. 2016 йил 3 май кунидаги 10755/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси – 193 343 000 сўм, 2005 и/ч., дав/рақ. йўқ бўлган, "Мерседес бенц С500" русумли; 2. Бошланғич баҳоси – 193 343 000 сўм, 2005 и/ч., дав/рақ. йўқ бўлган, "Мерседес бенц С500" русумли; 3. Бошланғич баҳоси – 28 357 000 сўм, 1998 и/ч., дав/рақ. йўқ бўлган, "BMW 532i" русумли; 4. Бошланғич баҳоси – 38 303 000 сўм, 2000 и/ч., дав/рақ. йўқ бўлган, "BMW 528" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 22.05.2015 йилдаги 1-88/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 3 681 320 сўм, 2000 и/ч., дав/рақ. 01H392OA бўлган, "ГБА СПГ ВАЗ-21065" русумли; 2. 04.07.2014 йилдаги 1-630/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 16 260 809 сўм, 1996 и/ч., дав/рақ. 10U075JA бўлган, "ГБА СПГ Нексия" русумли; 3. 2015 йилдаги 1-616/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 31 541 31 сўм, 2011 и/ч., дав/рақ. 01L119TA бўлган, "Нексия 150" русумли техник носоз; 4. 2014 йил 24 январь кунидаги 1-739/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 15 271 990 сўм, 2008 и/ч., дав/рақ. 01A249AA бўлган, "Матиз" русумли техник носоз; 5. 2014 йил 12 декабрь кунидаги 1-871/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, бошланғич баҳоси – 17 405 604 сўм, 2011 и/ч., дав/рақ. 01T892JA бўлган, "Матиз" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 сентябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 6 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 2 сентябрь соат 16.00 гача; 2016 йил 7 сентябрь куни ўтказиладиган савдоларига 2016 йил 5 сентябрь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "AUTO MEGA TRADE" МЧЖнинг АТБ "Капитал Банк" Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО 01088, ИНН 303877274. Манзил: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-А уй. Тел.: 239-29-40.

Гувоҳнома № 009293.

ТИЛНИ УЛУҒЛАШ – ВАТАННИ УЛУҒЛАШДИР

А. С. Пушкиннинг "Евгений Онегин" романини камида икки марта ўқиганман. Лекин, бир нарсага эътибор бермаган эканман. Роман бош қаҳрамони Татьяна ўз она тилини яхши билмаганлиги учун севган йигитига француз тилида хат ёзади. Пиримқул ака ушбу фактни ўқувчи ёдига солар экан, машҳур тарихчи адиб Н. М. Карамзиннинг қуйидаги сўзларини келтиради: "Бизнинг зодагонлар рус билан русча гаплашмасдан, нуқул бузуқ француз тилида сўзлашишади. Яхши жамият деб аталган юқори табақамизда француз тилини билмасангиз кар ва гунгга ўхшаб қоласиз... Уят эмасми? Рус тилида француз тилидагига нисбатан уйғунлик кучли. Бизда ўз ҳаётимизни ифодалайдиган сўзлар француз тилидагидан кўпроқ".

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ бизда "Мадомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват олган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу ҳақидаги бизнинг билимимиз пештоқида Алишер Навоий турмоғи керак. "Алишер Навоий кўтарилган маънавий юксаклик Ғарбда Ренессанс деб аталадиган Уйғониш даврининг энг юксак чўққиси эди", деб ёзади адиб.

Бошланиши 1-бетда.

тарих билан қуроллантиришимиз зарур", деган вазифа қўйилди. Пиримқул Қодировнинг фикрича, бундан салкам минг йил аввал яратилган "Девону луғотит турк", "Қутадғу билик" каби асарлар, улуғ Алишер Навоийнинг бутун ижоди, ўлмас шоҳ байтлари халқни ўз тарихи билан қуроллантиришга муносибдир. Чунончи, тил


Демак, тарих билан қуролланиш, тарих асносида ўзликни англаш учун ҳазрат Навоийни ўқишимиз ва уқишимиз керак. Устоз Жомий Навоийнинг туркий тилда яратилган "Хамса"сига юксак баҳо бериб, "Зи чарх офаринҳо бар он килк бод", яъни, бу қаламга фалакдан офаринлар ёғилсин", деганидек, улуғ Навоийнинг ана шу атаган шеърий тўртликларини ёд олмоғимиз зарур. Фанлар Академиямизнинг бир гуруҳ фидойи олимлари узоқ йиллар давомида ғайрат-шижоат кўрсатиб, Алишер Навоий асарларининг 20 жилдлигини бизга туҳфа қилдилар. Аммо, бу китоблар имконият даражасида нашр этилди. Матбуотимизда унинг ютуқ-камчиликлари рўй-рост офаринларга сазовор бўлган муборак қаламидан тўкилган дур-жавоҳирларни ўрганмоғимиз биз учун жуда ҳам муҳим. Устоз олим Азиз Қаюмов ҳазрат Навоийнинг "комил инсонни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга сабоқлар" деб айтилди. Қани энди, биз ҳам Навоий асарларини гуржи Шота Руставелининг "Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон"и, ҳиндларнинг "Маҳобхорат"и ёки "Рамаяна"си, финларнинг "Каливала"си каби дунёга кўз-кўз қилсак. Зеро, Президент Ислом Каримовнинг "Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат тил ва адабиёт университетини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонида таъкидланганидек: "Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлаш, уни бойитиш, нуфузини оширишни ўзимиз учун энг устувор, узвий давом этадиган юксак мақсад деб билишимиз ва бу масаланинг аҳамияти ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмаслиги зарур".

М. АҲМЕДОВ.

ХХІ аср ва дунё

«Суюнчи» сўрамайдиган доялар

Фан-техника шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда атрофдагиларни бирор нарса билан ҳайрон қолдириш мушкул. Аммо, доя роботларни кўрсангиз, ҳайратдан ёқа ушлашингиз аниқ.



NAO компанияси яратган оммабоп роботлар туғуруқхоналарда катта ҳамшираларнинг ўрнини эгаллаши мумкин.

Айни дамда роботлардан баъзи жарроҳлик амалиётларида фойдаланилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, роботлар кейинчалик бундан юқори натижаларга эришишлари ҳеч гап эмас. Шунингдек, таҳлиллардан маълум бўлишича, улар беморларнинг илтимосини бажариши ва муҳим қарорлар қабул қилиши ҳам мумкин.

Яқинда роботлар устида ўтказилган тажрибалардан сўнг улар АҚШдаги тиббиёт марказларидан бирида синов тариқасида иш бошлади. Аҳамиятлиси, NAO роботлари қабул қилган 90 фоиз қарорлар шифокор ва ҳамшираларни хурсанд қилмоқда.

Антиқа велосипед

Югуриш ва велосипед ҳайдаш соғлиқ учун кони фойда. "Агар иккисини баравар бажариш имкони бўлса эди", дея орзу қиладиганлар ҳам йўқ эмас. "Lopifit" электрон модели айнан шундай хаёлпарастлар учун мўлжалланган.



Ушбу ихтиро Нидерландияда аллақачон аҳоли пунктлари ҳамда улар орасидаги йўлакларда ҳаракатланиш учун энг қулай восита сифатида машҳур бўлди.

"Lopifit" электрон моделида оддий велосипедга нисбатан 4 карра тезроқ ҳаракатланадиган "Quantum" электр мотори жойлашган.

Ноодатий велосипед олти рангда тақдим этилади. Шунингдек, унда юкхона, 2-3 метр олдиндаги йўлни ёритувчи LED чироқлар ва аккумулятор индикатори бор.

Мазкур қурилмада педални босиш ўрнига велосипед рамкасига ўрнатилган югуриш йўлакчаси бўйлаб ҳаракатланасиз.

Бир ручкада 16 миллион ранг

Расм чизишни ёқтирмайдиган бола бўлмаса керак. Рангли ручка, фломастер ва қаламлар билан турли расмлар чизиш болакайларнинг севимли машғулоти.



Аммо, битта расмни чизиб, бўяш учун бир қанча рангли қалам ва фломастерлар жамланмаси керак бўлади. Бу кўп вақтни олади, шунингдек, қаламлар тез синади. Фломастерлар эса қуриб қолиб, чизмай қўяди.

Энди тасаввур қилинг, рангли қалам ёки фломастерлар тўплами битта ғаройиб ручкада жам бўлса.

Scribble – бу исталган рангда ёзиш ёки бўяш мумкин бўлган ғаройиб ручка. Ушбу ноёб ўқув қуроли "Adobe Photoshop" дастуридаги "томизгич"га ўхшаб автомат тарзда ранг танлай олади. Бунинг учун ручканинг бир учини исталган буюмга яқинлаштирсангиз, унинг рангини аниқлайди. Бир неча сониядан сўнг эса шу рангдаги сиёҳ сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Масалан, ручкани помидорга теккизсангиз, қизил, сабзига яқинлаштирсангиз айнан унинг рангида чизишингиз мумкин.

Ихтирочилар ушбу ручка 16 миллион рангни аниқлай олади, дейишмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Мангу ҳамроҳ

«ЭГАЛИ УЙ»

"... Тамоми ёмонликни йиғиб, бир уйга қўйдилар ва барча яхшиликни ҳам йиғиб, бир уйга қўйдилар. Яхшиликнинг калитини дунёни севмасга, ёмонликнинг калитини дунёни севадиганларга қўйдилар..."

Пискентлик таниқли ижодкор Собиржон Иномов ўзининг янги нашр этилган "Эгали уй" китобига Фаридуддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" асаридан шундай пешлавҳа танлагани бежиз эмас. Бинобарин, китобдан ўрин олган қисса ва ҳикояларда эзгулик ва ёвузлик, мол-дунё илинжи, қариндош, ёру-биродарлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар жонли образлар, драматик саҳналар воситасида очиб берилган.

"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби бўлган таниқли ҳамкасбимизнинг шу вақтга қадар "Қўмсаш", "Нажот кўприги", "Тун бағридаги шарпа", "Ҳаёт иншоси" каби насрий китоблари, "Соқов хотин" номли романи чоп этилган. "Эгали уй" китоби ҳам адибнинг наср ихлосмандларига навбатдаги туҳфасидир.

Китоб пойтахтдаги "Турон замин зиё" нашриёти томонидан чоп этилган.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Баҳорнинг илк кунлари эди... Бир неча кундан бери ёққан қор аралаш ёмғир, оқ-қора булутларнинг тунд қиёфаси қандайдир нохушликдан дарак берарди, гўё. Юракни маҳзун этгувчи шундай кунларнинг бирида яқин қўшним, мен учун сингилдек бўлиб қолган қадрдоним Салиманинг тўлғоғи тутди... У табиатан оққўнгил, дилкаш ва раҳмдил. Ҳеч қачон, ҳеч кимнинг дилини оғритмаган. Турмуш ўртоғи Икромжон иккимиз зудлик билан шифохонага олиб бордик. Дўхтирлар Салимани дарҳол туғуруқ хонасига олиб кириб кетишди.

Бир оздан кейин шифокор Раъно опа чиқиб келди.

– Нажмиддинова ниҳоятда беҳол, – деди у. – Ҳомиладорлик даври жуда оғир кечган. Камқонлик қийнаб қўйган. Буйраклари ҳам яхши эмас... Болани жарроҳлик йўли билан дунёга келтиришга тўғри келади.

Раъно опа туғуруқхонадаги тажрибали, энг қўли енгил шифокор бўлишига қарамай, жуда безовта эди...

Орадан чорак соат вақт ўтганидан сўнг, чақалоқнинг "инга"си эшитилди... Она-болани кўргани кирганимизда Салима заъфарон юзини ёстиқдан хиёл кўтариб ётарди. Ҳол сўрадик, жавоб беришга ҳам мадори йўқ, зифгина пичирлади:

– Менга боламни кўрсатинглар. Болам меҳри билан яхши кўрар, ювиб-тараб, парваришларди. Иброҳим юра олмас, гапира олмас ва ҳеч нимани эшитмасди. Фақат қопқора, катта-катта мунгли ва маъюс кўзлари бор эди. Салима бу ва кўнгилчан Салиманинг отаси Рашидбой феъл-атвор жиҳатидан қизининг бутунлай акси эди. Қизи ўқишни тугатиб келгач, ота ўз мақсадини, қатъий қарорини ҳаммага маълум қилди.

Салиманинг тақдири ҳақида ўйлар эканман, бир ҳақиқат ёдимга тушди. Бир неча минг йиллар олдин аждодларимиз уруғ-қабила бўлиб яшайдиган даврда ички никоҳ тақиқланиб (эндогам), ташқи никоҳ тартиби (экзогам) ўрнатилган экан. Яъни, қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳ муносабатларининг салбий жиҳатларини бундан бир неча минг йиллар олдин ҳам аждодларимиз англаб етган экан. Нима учун буни биз – йигирма биринчи аср одамлари англаб етмаяпмиз? Бу ихтиёрий онгсизликми ёки сўқирлик? Ахир, бу тиббиётда ҳам аллақачон исботлаб берилган-ку!? Нега буни тушунмайдиганлар ҳали ҳам бор? Нима учун? Уларнинг кўзлари очилмоғи учун яна қанча ногирон Иброҳимлар туғилиши, яна қанча болалар ҳам жисман, ҳам қалбан майиб-мажруҳ бўлишлари керак...

Дилноза ҚУРБОНОВА,
Олмалиқ шаҳри.

Чоршанба ҳикмати

«АЙБИНГ НИМА ЭДИ, БОЛАКАЙ?»

соғми, нуқсони йўқми, доктор?!

Болалар шифокори чақалоқни шоша-пиша онаси ёнига қўйди. Салима ҳансираганча боланинг пешонасидан ўпди. Бироқ, бу оналик бахти узоқ давом этмади. Онанинг муздек лаблари боласининг юзида қолди...

Гўдакнинг юзларига боқаман, унинг кўзлари ниҳоятда гўзал ва умидли эди. Афсуски, энди унга ғамхўрлик қиладиган, кўз қорачиғидек асраб-авайлайдиган мунис онаси йўқ!

...Салиманинг ҳаёти азобда ўтди. Тўнғичи Иброҳим туғма ногирон, аравачага михланганди. У ўғлини бор аламни тоғдек бардоши, метиндек иродаси билан енгди. Аммо, ҳамма дарду аламларини ичига ютаверганиданми жуда эрта, 30 ёшда қариди. Уни фарзандининг азоби адойи тамом қилганди.

Ўйлаб қоламан. Хўш, Салиманинг фожиали ҳаётига нима ёки ким сабаб бўлди?!

Бундан етти-саккиз йиллар аввал Салима олийгоҳни тамомлаб, уйга қайтади. Мехрибон

– Салима, қизим, Расул амакингга келин бўласан. Яқин қариндошмиз, борди-келдимиз узилмайди. Гапимгап, биз ҳаммасини пишитиб қўйганмиз. Кейинги ойнинг сўнгги якшанбаси – тўй...

Рашидбой қизига сарполарнинг сарасини қилди. Барча мебель жиҳозлари чет элники эди. Хуллас, рисолададигидек тўй бўлиб ўтди. Бу билан қариндошлик ришталари янада мустаҳкамланди, гўё...

PS: *Дарҳақиқат, бундай аянчли ҳолатлар ҳозирги кунда ҳам учраб туриши бор гап. Мақола муаллифининг қалб туғёнларига малҳам бўлувчи бирор гап айтишдан аввал, сиз, азиз газетхонларни ҳам мунозарага чорламоқчимиз. Зотан, соғлом авлод қайғуси барча саъй-ҳаракатларимизнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалайди.*

Мушоира

ЭЗГУЛИК ТАРАННУМИ

Қибрай туманидаги "Дўрмон" ижод уйида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мушоира ташкил этилди.

"Гўзал ва бетакрорсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" мавзуидаги издиҳомда мазкур сўлим масканда қалам тебратаётган шоир-ёзувчилар, журналистлар ҳамда ижод уйининг меҳнат жамоаси қатнашди.

Мушоирада таниқли шоирлар Абдулла Шер, Рустам Мусурмон, Минҳожиддин Мирзо, Турсун Али ва бошқалар ўзларининг тинчлик қадри, мустақиллик неъматини тараннум этувчи янги шеърларидан намуналар ўқидилар.

Ўз мухбиримиз.

Маънавият

Мен ҳар куни шу кўчадан ишга ўтаман. Ҳар ўтганимда уч-тўрт қўшни аёл гаплашиб турган бўлишади.

– Сизга маза – эрталаб кетиб, кечқурун келасиз, – дейди бири.

– Қизлардай ўзингизга қараб, чиройли бўлиб юрасиз-а, – қўшилади яна бири.

– Мени эса сизларга ҳавасим келади, ҳеч қаёққа шошмайсиз. Бемалол уй юмушларини қилиб, болаларингизни оғзига ёқадиган таомларни пиширириб ўтирасизлар, – дейман.

– Э, нимамизга ҳавас қиласиз? Уйда ўтириш зерикарли, – дейишади улар бараварига ғужурлашиб.

ОНА – МИЛЛАТ ТАРБИЯЧИСИ



"Сизга ҳавасим келади". Қўшни аёлларнинг бу гапи қулоғим остида ёқимли жаранглайди. Аммо, бу ҳавасга мен, менгина эмас, барча ишлайдиган аёллар қанчалик машаққатлар эвазига эришишларини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Ишлайдиган аёл... Унинг нозик қоматига бу юкнинг залвори баъзан оғир. Ишлайдиган аёл ўша ишламайдиган аёлнинг эрталабдан кечгача қиладиган иши – ҳовли, уйни тозалаш, қайнота-қайнонасининг кўнглини олиш, оғизга ёқадиган таом тайёрлаш, хўжайини, болаларини ишга, ўқишга ораста қилиб жўнатиш, бу юмушларни саранжомлагач, ўзи ҳам ойдек бўлиб, ишга вақтида етиб боришни эрталабки икки-уч соат ичида уддалаши керак. Бунинг эса ўзи бўлмайди. Демак, ишлайдиган аёлнинг юраги дарёдай кенг, оёқлари шамолдай учқур, қўли гул, тили асал, мияси эса компьютердай тезкор бўлиши, битта жони мингга бўлиниши, уйдаги ташвишини остонасида қолдириб, ишхонага ишчан ходим бўлиб кириши керак. Ўз касбининг, эгаллаган лавозимининг устаси бўлиши учун тинимсиз ишлаши, изланиши, жамоадошлари билан тил топиша олиши талаб қилинади. Агарда шу талабларни бажара олмаса, у на тузукроқ уй бекаси, на яхшироқ ходим бўлолмайди.

"Мана, фалончи ишлайман деб, болаларини қаровсиз қолдирди, оқибати..." деган гапни эшитишдан Худо асрасин. Негаки, аёл биринчи ўринда она. Фарзанд илк тарбияни онадан олади. Онани ўзига ўрнак деб билади. Энди эсини таниётган пайтларида улар учун оналаридан ақллироқ, оналаридан гўзалроқ инсон йўқдек туюлади. Ана шу нозик пайтда тарбияга пойдевор қўйилади. Она буни унутмаслиги керак. Қайнонасидан, хўжайинидан хафа бўлганини ҳам болага сездирмаслиги, оиладаги барча яхши томонларни фарзандига юқтириши лозим. Кейинроқ, боланинг ақли ўсгани сари яхшини ёмондан, оқни қорадан ажратиб бораверади. Ишлайдиган аёл шу масъулиятни уй бекасидан чуқурроқ англайди.

Бу билан ишламайдиган аёл жамият учун фойда бермайди, деган фикрдан мутлақо йироқмиз. Чунки, улар аёл киши бажариши керак бўлган асосий вазифа – фарзандни камолга етказишаяпти. Айнан фарзанд тарбияси энг масъулиятли иш. Бу шарафли ишни бажараётган ҳар бир она, энг аввало, ниҳоятда билимдон бўлиши керак. Уй бекаларимиз бўш вақтларида кўпроқ бадиий китоб ўқисалар, газета, журналлар орқали замон тараққиётидан хабардор бўлиб борсалар, болаларини қизиқтирган ҳар қандай саволга жавоб бера оладиган бўладилар, ўзлари учун ҳам қизиқарли олам кашф этадилар, ҳаёт кўзларига бошқачароқ кўринади.

Болаларимизга ҳаётга, юртга муҳаббат она сути, она алласи билан киради, дейишади. Агар қўшним Мангуберди ҳақида ўғлига чиройли қилиб, тўлқинланиб гапириб берганида, фарзанди ўз исмидан фахрланган, ўша саркардага ўхшашни дил-дилига туккан бўларди.

Биз болаларни тўғри тарбиялаш билан Ватанимиз истиқболига замин яратамиз. Эртага улар камолга етиб, ўз истеъдоди, салоҳияти билан Ватан номини дунёга танитса, юртига наф келтирса, "Сени туққан онангга раҳмат", деган дуо олса, бу бизнинг Ватанимизга, унинг меҳрига жавобимиз, миллатга келтирган ифтихоримиз бўлади. Зеро, биз ўз фарзандимиз орқали миллатни тарбиялаган бўламиз.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6634. Адади 7286. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.50.